# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING
# FARMOYISHI

Navoiy sh., IslomKarimov ko'ch. 77 A

2022 - yil 20 - aprel | 46-5-0-F/22 | Navoiy viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3897-сонли, 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-171-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сонли ва 2022 йил 18 мартдаги 20-сонли ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 10 мартдаги 18/476-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатлари ҳамда вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 19 апрелдаги 01-12/20-01-38/1188-сонли хулосасини инобатга олиб;

1. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан жами 47 655,8 млн. сўм маблағларни 1-иловага мувофиқ ажратсин.

2. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят Давлат молиявий назорат, вилоят ғазначилик бошқармалари мазкур фармойиш билан ажратилган маблағларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

4. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 9 февралдаги 14-5-0-F/22-сонли фармойишининг 1-иловаси 46-позициясидаги "Ташкилот ва муассаса номи" устунидаги "Вилоят Инновацион ривожланиш бошқармасига" сўзлари "Кармана тумани Ободонлаштириш бошқармасига" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ж.Хамроев) мазкур фармойиш билан ажратилаётган маблағларни халқ депутатлари вилоят



Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари в.б. Т.Атамуродов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б. | | Н.Турсунов